

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11642758>

Раматов Жуманиёз Султанович,
Тошкент давлат транспорт университети кафедра мудири

ANNOTATSIYA

Мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар ва унинг жасамият ҳаётида туб бурилиши даврининг ижтимоий-фалсафий моҳияти, ижтимоий аҳамияти ва инсон маънавий камолотига таъсири таҳлил қилинганд ҳамда Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиши омилларига бўлган эҳтиёжснинг ортиши билан боғлиқ масалалар илмий муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Ўзбекистонни янги босқичи, омиллар, таълим ва тарбия, ёши авлод, баркамоллик, Учинчи Ренессанс.

THE SOCIAL STATE AND THE EDUCATIONAL SYSTEM OF UZBEKISTAN

Ramatov Jumaniyoz Sultanovich,
Head of department of Tashkent State Transport University
ABSTRACT

The article analyzes the ongoing reforms in Uzbekistan and its socio-philosophical significance, social significance and impact on the spiritual development of man, as well as the growing need for factors to bring Uzbekistan to a new level.

Keywords: New stage of Uzbekistan, factors, education and upbringing, young generation, perfection, the Third Renaissance.

КИРИШ

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳакида сўз кетганда «Янги Ўзбекистон» ибораси такрор-такрор тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофи, жаҳон ҳамжамиятининг юртимизга жиддий эътиборидир. Чунки бизга мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи тоғдек таянч бўлмоқда. Бизни илғор ниятлар, буюк мақсадлар, улкан мэрралар йўлида адашмасликка унданмоқда, танлаган йўлимиз тўғрилигига инонтируммоқда. Қайси соҳани олмайлик, қайси жабҳага назар солмайлик, илгари сурилаётган халқ ташаббуси албатта қўллаб-қувватланмоқда, шароит яратилмоқда, инвестиция

киритилмоқда, рағбатлантирилмоқда, бир сўз билан айтганда, халқнинг розилиги йўлида тинмай изланмоқда. Зеро, иқтисодиётни сиёсатдан, маънавиятни таълим-тарбиядан айро кўриб бўлмаганидек, «халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас», дейди давлат раҳбари.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ҳар бир чиқишилари, маърузалари ва нутқларини биз зиёлилар доимо интиқлиқ билан кутамиз. Бунинг сабаби нимада? Энг аввало бу чиқишиларда янги фикрлар, янги ғоялар, тараққиётимизни белгилайдиган устувор йўналишлар, Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиш омиллари, шу билан бир қаторда ривожланишимизга ғов бўлаётган ҳолатлар, мавжуд муаммоларни ҳал қилишининг ностандарт ечимлари аниқ, равон, содда тилда ифодалаб берилади. Мисол сифатида мустақиллигимизнинг 32 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги[1], БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги[2], Конституциямизнинг 31 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги, Ўзбекистон Ёшлари форумидаги нутқлари ва ниҳоят Олий мажлисга қилган Мурожаатномани келтириш мумкин[3]. Энг муҳими - барча маърузалардаги марказий масала бу - халқимизнинг турмуш даражаси, фаровонлигини ошириш, Ўзбекистон халқига муносиб турмуш шароитини яратиш. Собиқ Иттифоқ даврида шундай шиор бўларди: ”Биздан кейинги авлод албатта коммунизмда яшайди”, яъни, баҳтли ҳаёт фақат келажакда бўлади, дегани. Муҳтарам Президентимиз эса халқимиз эртага, индинга, келажакда эмас, бугун баҳтли ҳаёт кечиришга муносиб, деган ғояни доимо илгари сурадилар. Шу ўринда машҳур донишманд Конфуцийнинг қуйидаги хикматини келтирмоқчиман: “Хукмдор халқни ўз фарзандидек севиши, фуқаролар эса хукмдорни ўз отасидек хурмат қилиб, эъзозлаши лозим”.

Мурожаатномада устувор йўналиш сифатида таълим-тарбия соҳасига алоҳида урғу берилди. Чунки ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга этиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” [3], деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Биз қачонки таълим тўғрисида гапирсак, албатта тарбияни ҳам қўшиб айтамиз. Сабаби

таълим ва тарбия ягона, узвий жараён. Таълим бор жойда, албатта тарбия ҳам бўлади. Лекин бу масалада бошқача қарашлар ҳам бор. Яъни тарбия оиласида берилади, таълим муассасаларида эса фақат таълим бериш керак, деган. Менинг фикримча, мактаб, лицей, техникум, университет ўқитувчисими, шу билан бирга у ҳам тарбиячидир. Нафақат таълим даргохида, балки маҳаллада ҳам, оиласида ҳам. Чунки азал-азалдан қишлоқда ҳам, маҳаллада ҳам ўқитувчига муносабат, эътибор бошқача бўлган. Зиёли инсон сифатида унинг фикрларига қулоқ солишган.

Давлатимиз раҳбари “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”да сўзлаган нутқларида шундай таъкидладилар: “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий гоя даражасига кўтармоқдамиз. Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонаман – хурматли отоналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Президенти томонидан Мурожаатномада келтирилган қўйидаги вазифалар профессор-ўқитувчилар жамоаси учун таълим-тарбия соҳасида туб ўзгаришларни амалга оширишдек улкан масъулият юклайди: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунинг учун энг аввало ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз” [3].

Мурожаатномада бола туғилганидан то 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилиши зарурлиги таъкидланади. Чунки дунё тажрибасидан маълумки, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради[3].

Сўнгти йилларда миллий таълим тизимида сезиларли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришларни қўйидагиларда кўриш мумкин.

1. Мактабгача таълим тизими тубдан ўзгармоқда. Алоҳида вазирлик ташкил қилинди. Илгари мактабгача таълим муассасалари Халқ таълими

вазирлиги тасаввурида эди. Ушбу вазирлик республикамиздаги энг катта вазирлик ҳисобланарди. Болалар боғчалари, 10 мингга яқин мактаб, пединститутлар, педколлежлар ва х.з. Мактабгача таълим қамрови тахминан 17-18 фоизни ташкил қиласади. 2022 йил якуни билан мактабгача таълим қамрови 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказилди, қўшимча 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилди.

2. Мактаб таълимини тубдан яхшилаш учун 30 та янги мактаб қурилди, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилди. Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун услубий қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш ишлари бажарилди.

Мурожаатномада болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилди. Умумтаълим мактабларидағи таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши таъминланади. Бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланмоқда. 2021 йилда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди[3].

Рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этилди. Мазкур университетда хорижлик етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилинди, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилмоқда.

3. Олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги йилларда олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоизга оширилди. ОТМга қабул қилишда эҳтиёжманд оиласалар қизлари учун грантлар сони 2 баробарга қўпайтирилиб, 2 мингтага етказилди. Кириш тестларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар талабага 4 йил мобайнида Президент стипендиаси берилмоқда [3].

Бозор муносабатлари қонуниятларига кўра, маҳсулотнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бу рақобатdir. Мамлакатимизда турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат, тиббиёт, фармацевтика ва хоказо соҳаларда давлат-хусусий шерикчилиги жорий қилингани ҳолда таълим тизимида мавжуд эди. Энди

эса мактабгача таълим, ўрта таълим, олий таълимда ҳам соғлом рақобат муҳити яратилмоқда. Хусусий боғча, мактаб, университетлар ташкил қилинмоқда. Давлат-хусусий шерикчилик асосида Кўқон нодавлат университети, Фармацевтика, таълим ва тадқиқот институти, Tashkent International University” халқаро университети, Британия менежмент университети, Renesans университети, Alfraganus университети, TEAM университети каби нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этилди.

Натижада ёшларимизда танлаш имконияти пайдо бўлди. Бу эса табиий равишда таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. ОТМ молиявий томондан мустақил бўлаётганини эътиборга олсак, энди улар ўртасида кўпроқ ёшларни жалб қилиш учун амалий ҳаракатлар олиб борилади.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағищланган нутқи. //Халқ сўзи, 2023.
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://www.youtube.com>
4. Ramatov J., Umarova R. Evolution of railway construction development in Uzbekistan: past and prospects // aIP Conference proceedings 2432, 030011 (2022); <https://doi.org/10.1063/5.0090845> No access Jun 16, 2022.
5. Pamatov J.S., Umarova R.Sh. Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the aral Sea region of Uzbekistan// aIP Conference proceedings 2432, 030113 (2022); <https://doi.org/10.1063/5.0091203>.
6. Ramatov J.S., Umarova R.Sh. Problems of influence of islam on consciousness transformation // academic research in educational sciences.2022. №3. -p 591-597.
7. Ramatov J., Baratov R., Jurabayev N., Umarova R., Mamajanova G. Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects 2022AIP Conference Proceedings 2432,030011 <https://doi.org/10.1063/5.0090845>
8. Ramatov J., Loyko A., Baratov R., Umarova R., Djurabayev N. 57767291700;58951007900;57768752000;57768501200;58951171800;
9. Methodological principles for improving the scientific thinking of specialists (In the case of the transport system)
2024).<https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85188445036&doi=10.1063%2f5.0197376&partnerID=40&md5=4474bc5af94998337dd18f30da55ea5c>

10. Ramatov J., Baratov R., Jurabayev N., Umarova R., Mamajanova G. 57767291700;57768752000;57768752100;57768501200;57767327400;
11. Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects,(2022) <https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85133024672&doi=10.1063%2f5.0090845&partnerID=40&md5=97754046d6658aa51f8ab1abade4b424>
12. Ramatov J., Umarova R., Baratov R., Jurabayev N., Artikova, B. 10.57767291700;57768501200;57768752000;57768752100;57767777700; Constructive and Optimal Solutions for the Formation of a Stable Ecological Situation in the Aral Sea Region of Uzbekistan (2022) . <https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85132968363&doi=10.1063%2f5.0091203&partnerID=40&md5=11f1cfbe2245d6c636cd4502430ba733>
13. Ramatov J., Umarova R., Baratov R., Merzaev I. 57767291700;57768501200;57768752000;58951500700; Methods of organizing communication with the community . <https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85188456685&doi=10.1063%2f5.0197375&partnerID=40&md5=2106bc1e3d95da8fa96460b8db5cf7aa>